

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Усманов Илхом Ачилович

Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти т.ф.н. проф.в.б.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7091735>

**Аннотация.** Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг салоҳиятини баҳолаш муаммосига бағишланган. Муаллиф томонидан ташкилот салоҳиятини баҳолашга оид ёндашувлар таҳлил қилинган. Бугунги кунда жорий қилинган қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингининг натижалари кўриб чиқилган ва уни такомиллаштириш йўллари аниқланган.

**Калим сўзлар:** қурилиш, ташкилот салоҳияти, салоҳиятни баҳолаш, электрон рейтинг.

## ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКИ ОЦЕНКИ ПОТЕНЦИАЛА СТРОИТЕЛЬНО-ПОДРЯДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** Данная статья посвящена проблеме оценки компетентности предприятий и организаций в сфере строительства в Республике Узбекистан. Автор проанализировал подходы к оценке компетентности организации. Рассмотрены результаты введенного сегодня электронного рейтинга строительных и подрядных организаций и определены пути его совершенствования.

**Ключевые слова:** строительство, организационная компетентность, оценка компетентности, электронный рейтинг.

## WAYS TO IMPROVE THE PRACTICE OF ASSESSING THE POTENTIAL OF CONSTRUCTION AND CONTRACTING ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

**Abstract.** This article is devoted to the problem of assessing the potential of enterprises and organizations in the construction industry in the Republic of Uzbekistan. The author has analyzed approaches to assessing the potential of organizations. The results of the implemented electronic rating of construction and contracting organizations are considered.

**Keywords:** construction, potential of enterprises, assessing the potential, electronic rating.

## КИРИШ

Мамлакатимизда “қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мақсадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган”. [1]

Ҳар қандай иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги пировард натижада ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда соҳаларнинг юқори салоҳиятига боғлиқ бўлади. Корхона ва ташкилотларнинг салоҳият қанча юқори бўлса, жаҳон бозорида ўз ўрнини топиши ва рақобат курашида муваффақиятга эришини шунчалик осон бўлади. Ушбу тамойил бозор қонуниятлари каби аниқ бўлсада “корхона салоҳияти” атамасига ягона ёндашувга эришилган йўқ. Бунинг методологик сабаби шундаки, салоҳият ўз ичига жуда кўп ва ўзаро боғланмайдиган унсурларни қамраб олган.

Айниқса, қурилиш комплекси ташкилот ва корхоналарига келганда салоҳиятни аниқлаш ва уни ошириш муаммоси кўплаб қийинчиликларга дуч келинади. Бунга нафақат ташкилотларнинг хилма-хиллиги ва ишлаб чиқариш фаолиятининг кенг қамровлиги, балки рақобатда устунликни ташкил қилувчи омилларнинг мураккаблигини кўрсатиш мумкин.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Корхона салоҳиятини тадқиқ қилиш назарияси ва амалиётини ўрганишга кўплаб олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Шулардан Л.Д.Ревуцкий [2], Е.В.Попов [3], В.М.Архипов, С.Б.Барнгольц, М.И. Бухалков, Л.С.Сосненко, Ковалев В.В.ларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Охирги йилларда корхона салоҳиятини баҳолаш услубиятини ривожлантиришга бағишланган ишларда корхона салоҳиятининг бир қанча ёндашувлари акс эттирилган. Масалан, Г.Б Савицкая ўзининг тадқиқотида корхона салоҳиятининг тўртта таркибий қисмини ажратади: ишлаб чиқариш, меҳнат, молиявий ва бошқарув салоҳияти. Уларнинг ҳар бири ўз навбатда бир қанча миқдорий ўлчанадиган динамик кўрсаткичларни мужассамлаштиради. [4] Барбарская М.Н.нинг тадқиқотлари қурилиш ташкилотининг ресурс салоҳиятини ўрганишга бағишланган. Бунда муаллиф ресурс салоҳиятининг таркибига ишлаб чиқариш, меҳнат, молиявий, интеллектуал-ахборот ва инновацион салоҳиятни киритади. Салоҳиятни баҳолашда муаллиф барча ресурсларнинг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги нуқтаи назардан амалга оширишни таклиф қилади. [5] Гусельников Д.В. қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ўзига хос таърифни келтирган, яъни “корхонанинг ташқи муҳит билан энг мақбул ҳолдаги ҳамжихатлик жараёнида бозорнинг тайёр қурилиш маҳсулотига бўлган эҳтиёжларни шакллантириш, аниқлаш ва қондириш ҳамда бунинг натижасида ресурслардан самарали фойдаланиш орқали узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича умумий қобилияти”. [6]

Шу билан бирга замонавий қурилиш ташкилотларининг умумий салоҳиятини ифодаловчи ягона услубиёт мавжуд эмаслиги ҳамда амалиётда салоҳиятни баҳолаш самарадорлигининг пастлиги ушбу муаммонинг долзарблигини тасдиқламоқда

Қурилиш соҳасидаги корхоналар салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда бизлар амалиётда қўлланилган услубиётни танқидий таҳлилини амалга ошириш асосида миқдорий кўрсаткичлар таркиби ва ахборот базасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқамиз.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари ва қарорларида маҳаллий қурилиш ташкилот ва корхоналарининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилган. Президент қарорларининг ижросини таъминлаш ҳамда Лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сон қарори билан лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтингини юритиш тартиб ва мезонлари ишлаб чиқилган. [7] Ушбу қарорнинг ижроси бўйича қурилиш вазирлигининг [www.mc.uz](http://www.mc.uz) расмий сайтида 2021 йил феврал ойдан бошлаб республикадаги пудрат ташкилотларининг

электрон рейтингини эълон қилиш амалиёти амалга оширилмоқда. Электрон рейтингнинг мазмун-моҳияти қурилиш ташкилотларининг лойиха-меъёрий талабларни бажариш қобилиятини баҳолашдан иборат. Илмий жихатдан қарайдиган бўлсак, бу рейтингни қурилиш ташкилотларининг салоҳиятини баҳолашнинг услубияти деб қабул қилсак бўлади. Бунда рейтингнинг умумий баҳосига қуйидаги таркибий элементлар киритилган: кадрлар сиёсати, молиявий кўрсаткичлар, рақобатбардошлик, иш тажрибаси, моддий-техник база, АКТ ресурсларидан фойдаланиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ҳамда технологиялаштириш. Кўриниб турибдики, рейтингни юритиш қурилиш-пудрат ташкилотлар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан рейтингни юритиш ва эълон қилишга жиддий ёндашилмоқда ва унинг натижалари доимий равишда янгиланмоқда. [8] Қуйидаги жадвалда ўтган давр ичида қурилиш соҳасида ташкилотларнинг рейтингини қандай ўзгарганлиги кўрсатилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

### Қурилиш соҳасида пудрат ташкилотлари электрон рейтингини натижаларининг ўзгариши

Рейтинг даражаси	2021 йил 1 феврал		2022 йил 5 сентябр		Ўзгариш +/-	
	Ташкилот сони	улуши, %	Ташкилот сони	улуши, %	Сони бўйича	Улуши бўйича
AAA	0	-	0		0	-
AA	0	-	0		0	-
A	0	-	0		0	-
<b>Жами юқори</b>	<b>0</b>	<b>-</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
BBB	2		2		0	-
BB	27		7		-20	-
B	276		12		-264	-
<b>Жами ўрта</b>	<b>305</b>	<b>0,79</b>	<b>21</b>	<b>0,06</b>	<b>-284</b>	<b>-0,73</b>
CCC	4078		237		-3841	-
CC	9647		9438		-209	-
C	5313		3532		-1781	-
<b>Жами қониқарли</b>	<b>19038</b>	<b>49,29</b>	<b>13207</b>	<b>36,48</b>	<b>-5831</b>	<b>-12,81</b>
DDD	10698		10699		+1	-
DD	193		12262		+12069	-
D	8396		14		-8382	-
<b>Жами паст</b>	<b>19287</b>	<b>49,92</b>	<b>22975</b>	<b>63,46</b>	<b>+3688</b>	<b>+13,54</b>
Жами	38630	100	36203	100	-2427	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги расмий сайти. <https://mc.uz/qurilish-pudrat-tashkilotlari-jelektron-reytingida-chiqmayapsizmi/> Кириш санаси 2022 йил 7 сентябр.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида рейтингни юритиш вазифаларидан бири бўлиб қурилиш-пудрат ташкилотлари соҳа бўйича дунёдаги нуфузли ташкилотлар рейтингига юқори поғоналардан жой олишини таъминлаш белгиланган. Мазкур вазифа қанчалик бажарилганлигини жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Аввало, рейтинг юритилиши бошланишидан бир ярим йил ўтгандан сўнг соҳадаги вазият деярлик ўзгармаганлигини таъкидлаш жоиз. Қурилиш таъшилотлар сони йил сайин кўпайиб борсада (2022 йил 1 июл ҳолатига қурилиш соҳасидаги таъшилотларнинг умумий сони 45320тани таъшил қилади), рейтингга киритилган таъшилотлар сони камайган (38630дан 36203гача, яъни минус 2427та). Юқори рейтинг даражаси таъшилотлари шаклланмаган, ўрта рейтинг даражага эга бўлган таъшилотлар эса 305дан 21гача камайган, Қониқарли рейтинг даражага эга бўлган таъшилотлар сони 19038дан 13207гача (-5831) камайган. Асосий ўзгаришлар паст даражали рейтингга эга бўлган таъшилотларда кузатилади. Жуда паст даражали таъшилотлар сони кескин камайган ва улар ўрта паст даражали рейтинг поғонасига кўтарилган. Бугунги кунда DD даражали таъшилотлар жами рейтингга киритилган таъшилотларнинг 33,3 фоизини таъшил қилади. Умуман паст даражали таъшилотлар рейтингдаги жами таъшилотларнинг 63,46 фоизини таъшил қилади.

## **МУҲОКАМА**

Танқидий назар билан қарайдиган бўлсак рейтинг юритиш қурилиш таъшилотларида юқори натижаларга эришиш иштиёқини кучайтирмаган деган ҳулосага келиш мумкин. Айниқса, ўрта даражадаги рейтингга эга бўлган таъшилотларнинг паст даражага тушиб кетиши салбий баҳоланиши лозим. Шу билан бирга энг паст баҳоланган таъшилотларнинг оммавий равишда бир поғонага кўтарилиши рейтинг юритиш таърибасини муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, қўлланилаётган услубиётнинг етарли самара бермаслигини асосий сабаби салоҳиятни баҳолаш базасини таъшил қилувчи миқдорий кўрсаткичларининг рағбатлантирувчи функцияни бажармаслигидадир. Маълумки ҳар қандай рейтинг корҳона жамоасини янада ривожлантиришга ундаши лозим. Электрон рейтинг кўрсаткичларида эса бир қанча камчиликлар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

- Қурилиш таъшилоти учун рейтингда кўтарилиши учун олинадиган нафлиликнинг пастлиги. Масалан, қурилиш таъшилоти маълум куч ва маблағлар сарфлаб рейтингда DD даражасидан DDD даражасига кўтарилди. Ушбу натижа албатта ўзининг моддий ва молиявий самарасини берса у С даражасига кўтарилишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда унинг ҳаракатлари самарасиз бўлади;

- Баҳолаш кўрсаткичларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб чиққанлиги, яъни қурилиш таъшилоти ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни таъшил қилади ва уни ўзгартириш имконига бўлмайди. Масалан халқаро тендерларда иштирок этиш кўрсаткичи таъшилотдан кучли моддий техник базага эга бўлишни талаб қилади, модомики 95% маҳаллий қурилиш таъшилотлари кичик бизнес субъектлари ҳисобланади;

- Баҳолаш кўрсаткичларида динамик тенденцияларининг акс эттирилмаганлиги, яъни маълум давр ичида қандай ижобий ўзгаришлар бўлганлигини аниқлаш қийинлиги. Мисол учун, қурилиш таъшилоти моддий-техник базасини ривожланиши маълум давр ичида ўзгариши таҳлил қилиниши қийин;

- Электрон рейтинг кўрсаткичларида ҳудудий ва ишлаб чиқариш хусусиятларининг эътиборга олинмаслиги. Масалан, раҳбар ходимларнинг ва ишчи ходимларнинг иш ҳақи кўрсаткичи вилоятлар ва ҳудудлар кесимида турлича бўлиши табиийдир.

Курилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини юритиш самарадорлигини оширишда ахборот базасини такомиллаштириш талаб қилинади. Вазирлар Махкамасининг қарорида мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан тўпланадиган статистик ва тахлили маълумотлардан фойдаланши кўзда тутилган, хусусан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини кенгайтириш вазифаси қўйилган. Бизнинг фикримизча қурилиш вазирлиги томонидан рейтинг натижавийлигини оширидиган кўрасткичлар бўйи алоҳида дастурий воситалар ва ахборот базалари шакллантирилши лозим. Ушбу маълумотлар сохани рижлантиришнинг стратегик дастурлари билан интеграциялашган бўлиши амалда қурилиш ташкилотларининг салоҳиятини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлади.

## ХУЛОСА

Курилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини юритиш соҳада рақобат муҳитини шакллантирига қаратилган муҳим қадам ҳисобланади. Бунда хўжалик субъеклари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга эришилади, ташкилотлар ўзаро ахборот алмашиши орқали фаолиятларини ривожлантиришга ҳаракат қиладилар, бозордаги вазиятни баҳолаш имкониятлари кенгайтирилади. Шу билан бирга, эришилган ютуқларда тўхтаб қолмасдан рейтинг тажрибасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун рейтинг таркибидаги миқдорий кўрсаткичларнинг мазмунини бойитиш, уларнинг рағбатлантирувчи функциясини кесин кучайтириш, вақт ўтиши билан рейтинг кўрсаткичларини такомиллаштириш тартибини киритиш лозим. Шу билан бирга қурилиш ташкилотлар салоҳиятини баҳолашнинг ахборот базасини кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш эътибор қаратилиши лозим.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ревуцкий, Л.Д. Потенциал и стоимость предприятия, Москва, Финансы и статистика, 2002. - 208 с.
3. Попов, Е.В. Рыночный потенциал предприятия, Москва, Экономика, 2002. - 559 с.
4. Т.Б. Савицкая, В.А. Скворцов, И.П. Сысоев. Оценка потенциала организации на основе методики покомпонентного анализа. <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-potentsiala-organizatsii-na-osnove-metodiki-pokomponentnogo-analiza>
5. Барбарская М.Н. Ресурсный потенциал строительной организации: структура, система оценки показателей состояния и эффективности его использования/ Экономика: проблемы, решения и перспективы. <https://cyberleninka.ru/article/n/resursnyy-potentsial-stroitelnoy-organizatsii-struktura-sistema-otsenki-pokazateley-sostoyaniya-i-effektivnosti-ego-ispolzovaniya>
6. Гусельников Д.В. Повышение экономического потенциала строительного предприятия. Диссертация к.э.н., Тюмень, 2015г. [https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/34670/1/urfu1505\\_d.pdf](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/34670/1/urfu1505_d.pdf)

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 ноябрь, 699-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги расмий сайти. <https://mc.uz/qurilish-pudrat-tashkilotlari-jelektron-reytingida-chiqmayapsizmi/>